



# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 18-oktabr • Shanba • 126 (27.931) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Жорий йилнинг ўтган 9 ойида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 9,4 фоизни, sanoat маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши 12,4 фоизни, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши 18,4 фоизни, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳажми ўсиши 4,1 фоизни, хизматлар кўрсатиш ҳажми ўсиши 18,5 фоизни ташкил этди.

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI MAJLISI TUGRISIDA AXBOROT

2008 йил 17 октябрда Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида жорий йилнинг 9 ойида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан ҳар томонлама муҳофаза қилиниши ҳамда ҳукуматнинг 2008 йил 8 февраль ва 18 июлдаги мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан белгилаб берилган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор вазифаларини бажаришни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Мажлисида жорий йилнинг ўтган 9 ойида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 9,4 фоизни, sanoat маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши 12,4 фоизни, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши 18,4 фоизни, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши 4,1 фоизни, хизматлар кўрсатиш ҳажми ўсиши 18,5 фоизни ташкил қилгани қайд этилди. Экспортнинг юқори суръатларда ўсиши ташқи савдо айланмасининг салмоқли ижобий салбосини таъминламоқда. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,9 фоиз профицит билан ижро этилди, инфляция даражаси прогноз кўрсаткичларидан ошмади.

Қулай инвестиция муҳити ва Инвестиция дастури, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, иқтисодийнинг энг муҳим тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастурлари фаол амалга оширилиши ўзлаштирилган инвестицияларнинг 22,4 фоизга, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг 33,5 фоизга ўсишини таъминлади. 284 та ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди. «Шўртан» қонди пропан-бутан аралашмасини олиш қурилмасининг учинчи ва тўртинчи навбати, Андижон вилоятидаги «Алёртекс» тўқимачилик фабрикаси, Жиззах вилоятидаги «Замонавий полимер қувур» полимер қувурлари

ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхона, Тошкент вилоятидаги «Ост-Милч» сутни қайта ишлаш заводи шулар жумласидандир. Тадбиркорликни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, солик юкни камайтириш бўйича қўрилган чора-тадбирлар ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес салмоғини ўтган йилнинг тегишли давридаги 43,1 фоиз ўрнига 45,3 фоизга ошишини таъминлади.

Мақсадли комплекс ривожлантириш дастурларини фаол амалга ошириш тўғрисида 545,2 мингта, шу жумладан хизматлар ва сервис соҳасида 188,2 мингта, қасаначиликни ташкил этиш ҳисобига 85,1 мингта янги иш ўринлари ташкил этилди.

Вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг эътибори иқтисодийнинг ўсишини ва ишлаб чиқаришни модернизация қилишни таъминлашда эришилган ижобий натижаларни мустаҳкамлашга, келгуси йилда иқтисодийнинг барқарор ривожланишини таъминлаш учун мустаҳкам замин яратишга йўналтирилган қўшимча чора-тадбирлар кўриш зарурлиги қаратилди.

Мажлисида иқтисодий тармоқлари ва республика ҳудудларида норентабель, ишламаётган ва истиқбол йўқ корхоналар, кам самарали акциядорлик жамиятлари сонини камайтириш юзасидан қўрилган чора-тадбир-

лар натижалари танқидий кўриб чиқилди. Зарар кўриб ишлаётган корхоналарни молиявий соғломлаштириш, банкорт қорхоналарни самарали ишлайдиган мулкдорларга сотишни жаддаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўрилиши зарурлиги қайд этилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, ҳўжалик бирлашмалари, вазирликлар ва идораларга банкорт қорхоналарнинг сотиб олинган ва бугунги кунда ишлатилмаётган мол-мулк асосида бозорда рақобатбардошли ва талаб юқори бўлган маҳсулотлар чиқарилган замонвий ишлаб чиқариш ташкил этиш юзасидан аниқ таклифлар киритиш топширилди.

Мажлисида молия-банк тизимининг жорий йилнинг 9 ойидаги фаолияти яқунлари ва умуман 2008 йилда қўрилган курсаткичларини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор берилди. Жаҳоннинг кўпжа мамлакатларини қамраб олган молиявий инқироз қўламлари кенгайтганига қарамай, Ўзбекистон банк тизими ишончилиги ва барқарор ривожланишини, хорижий молиялаштириш манбаларига қарамлиги йўқлиги ва ташқи инқироз ҳолатларининг салбий таъсирларига берилмаслиги хусусиятлари билан ажралиб туриши алоҳида таъкидланди.

Мамлакатимизда банкларнинг капиталлашувини изчил ошириш, уларнинг активларини диверсификациялашни чуқурлаштириш ва сифатини яхшилаш бўйича қўрилган чора-тадбирлар, шунингдек, республика банкларининг ўзоқ муддатли ресурсларни жалб этиш асосида барқарор ресурс базасини шакллантиришга йўналтирилганлиги республика банк тизимининг янада мустаҳкамлашиши ва ишончилиги ошишига кўмак

бермоқда. Аҳолининг мамлакатимиз банк тизимига бўлган ишончи мустаҳкам бўлиб, банклардаги аҳоли омонатлари ҳажми кейинги 5 йилда 8,6 баравар, шу жумладан жорий йилнинг 9 ойида 1,5 баравар ўсгани шундан далolat беради.

Тижорат банкларининг раҳбарлари эътибори таркибий қайта ўзгартиришлар жараёнида, иқтисодий тармоқлари ва соҳалари ишлаб чиқаришларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашда, юқори сифатли, жаҳон ва ички бозорларда рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган истиқболли ва юқори самарали инвестиция лойиҳаларини танлаш ва амалга оширишда ўз маблағлари ва жалб этилган капитал билан қатнашишни янада фаоллаштириш зарурлиги қаратилди. Шу муносабат билан Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Аскабабанк, шунингдек, жорий йилда капиталлашув даражасини янада ошириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор қарорлари қабул қилинган ўзсаноат-қурилишбанк, Пахта-банк ва Галла-банк сингари етакчи тижорат банкларининг роли алоҳида таъкидланди.

Шу билан бирга, суғурта бозорининг профессионал қатнашчилари фаолиятини янада такомиллаштириш ва аниқсиз қишлоқ жўраларда улар томонидан кўрсатилган хизматлар доирасини кенгайтириш, сифатини яхшилаш ва улардан фойдаланишда қўлайликлар яратиш, шунингдек, суғурталовчлар манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар кўриш зарурлиги қайд этилди.

(Давоми 2-бетда)



## Янги йўللار, манзиллар...

Мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримов 2007 йил яқунлари ва 2008 йилнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида 2007 йил учун тасдиқланган йўл қурилиши дастурига мувофиқ 245 километр узунликда автомобиль йўллари қурилгани ҳамда реконструкция қилинганини, шунингдек, 1 минг 750 километрдан кўпроқ халқаро ва давлат аҳамиятига молик умумий фойдаланиладиган йўللар (капитал ва жорий таъмирдан чиқарилиб) фойдаланишга топширилганини алоҳида қайд этди. Аини шундай бунёдкорлик ишлари 2008 йилнинг ўтган ойлари ичида ҳам аниқ маром билан давом этди.

Буни Жанубий халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўллари сақлашга их-

тисослаштирилган таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси йўлсозлари фаолиятида ҳам яққол кўриш мумкин. Улар шу кунларда Деҳқонobod тумани ҳудудида барпо этилаётган қалий ўғитлари заводида элтувчи «Бешбулок — Тоғайтемир — Хўжалик» йўналишида жуда катта ҳажмда қурилиш ишлари олиб бормоқдалар.

— Янги қурилатган йўл узунлиги — 46 километр, эни — 11 метр, — дейди корхона директори Нормурод Йўлдошев. — Аини пайтда бу ерда юзга яқин замонвий техника воситалари унумли ишлатилмоқда. Хозиргача 10 километр йўл тўла ишга туширилди. 13 километри масофада эса сўнгги ишлар бажарилмоқда.

Насиб этса, биз қураётган бу йўллар мамлакатимиз иқтисодийни юксалтиришга, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган

яна кўпжа янги корхоналарга, аини пайтда аҳоли бандлигини таъминлашга ва унинг иш ҳақи ҳамда даромадлари ошишига хизмат қилади.



Суратларда: (чапдан) грейдер хайдовчиси А.Шодмонов, геодезист О.Сафаров ва бульдозерчи А.Рўзиёв; асфальт ётқизиш техникасини бошқараётган оператор Ф.Набиев иш устида; йўл қурилишидан лавҳа. Ш.ШАРОПОВ (ЎЗА) олган суратлар

## САЙЛОВ ВА САЙЛОВЧИЛАРНИНГ СИЁСИЙ МАДАНИЯТИ

Тошкент шаҳрида 15-16 октябр кунлари «Давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов ва сайловчиларнинг сиёсий маданиятини юксалтириш масалалари» мавзуда халқаро даражада суҳбат бўлиб ўтди. Ушбу тадбир Минтақавий сиёсат жамғармаси (Ўзбекистон) томонидан АКШнинг Халқаро ривожланиш агентлиги (ЮСАИД), Миллий демократия институти (АҚШ) ва ЕХТнинг Ўзбекистондаги Лойиҳалар мувофиқлаштирувчиси билан ҳамкор-



ликда ташкил этилди. Унда Болгария, Буюк Британия, Германия, Хиндистон, Италия, Канада, Нидерландия, Покистон, Польша, Россия, Словакия, Словения, АҚШ, Тожикистон, Франция, Чехия,

Киргизистон, Япониядан келган таълим экспертлари, мутахассислар ва олимлар иштирок этди.

3-бет

## ЎЗХДП: бошланғич ташкилот — муҳим таянч

Ангар шаҳар Машиный хизмат касб-хунар коллежида мамлакатимиздаги сиёсий жараёнлар ҳақида ёшларга амалий дарс ўтиш, депутатлар билан учрашувлар уюштириш аёна тусига айланган. Коллеж ўқитувчи ва ходимларини бирлаштирган ЎЗХДП бошланғич ташкилоти бошлаган бу саъй-ҳаракатлар ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий саводхонлигини ошириш, конституциявий ҳуқуқ ва бурчларни, фуқаролик вазифаларини чуқур англашида муҳим аҳамият касб этмоқда.

## МУРАББИЙЛАРГА Кўмакдош, Ёшларга қанот

— Навбатдаги дарс инсон ҳуқуқларини таъминлаш, бу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларга бағишланди... Бошланғич ташкилот раиси, коллеж раҳбарининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари Шавкат Додаматов

ўқитувчининг ташаббусини қўллаб-қувватлади: — Аини пайтда энг долзарб ва муҳим мавзунини танлабсиз. Бошланғич ташкилотимизда бунга доир янги маълумотлар, ёшларни қизиқтирадиган материаллар етарли. Марҳамат, Президентнинг

ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганга 60 йил тўлишига бағишланган тадбирлар дастури ҳақидаги Фармонига оид материаллар, олинг, танишинг.

2-бет

## Қонун ва ижро

## Одам савдоси — умумжаҳон миқёсидаги муаммо

XXI асрнинг дастлабки йиллари илм-фан ва техника ривожининг шиддатли тус олганлиги, ахборот аламуллоғи тизимининг тубдан такомиллашганлиги билан инсоният тарихида ўзига хос давр бўлди.

Бу жараёнда дунё мамлакатлари халқаро муносабатларда минтақавий хавфсизликни таъминлаш, иқтисодий, ижтимоий, илм-фан, таълим соҳаларида ҳамкорлик қилиш, умуминсоний қадриятлар билан боғлиқ муаммоларни биргаликда ҳал этишга алоҳида эътибор қаратмоқдалар.

Бунинг натижасида мамлакатларо миграция жараёнлари бирмунча фаоллашди, фуқароларнинг меҳнат қилиш, таълим олиш, туризм ва шу каби турли мақсадларда бошқа давлатларга чиқиши, эркин фаолият олиб бориши учун имкониятлар янада кенгайди. Ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда айрим трансмилий жиноятларнинг ортиши ҳам кузатиламоқда. Одам савдоси ҳам ана шундай жиноятлардан биридир.

Одам савдоси — инсон, унинг шаъни, қадр-қиммати, оқилоғи турмуши ҳамда келажагига таҳдид солаётган трансмилий уюшган жиноятчилик қўриқларидан бири бўлиб, ўзининг чегара танламаслиги ҳамда гирдобига асосан ёшларни ва аёлларни тортаётганлиги билан барчада катта таъғин ва хавотир уйғотмоқда.

Инсонни улуғлаш, унинг ҳуқуқ ва эркинлиги ҳимоясини таъминлаш асосий қадриятга айланган ушбу даврда бу муद्диш иллат ноқонуний қурол савдоси, ғиёҳвандлик воситаларининг ғайри-

қонуний муомаласи каби оғир оқибатларни келтириб чиқаради. Биринчидан, ҳамма одамлар ўз қадр-қиммати ва ҳуқуқларида эркин ва тенг бўлиб туғилдилар, ушбу қоида БМТнинг 1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида, шунингдек, бир қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ҳамда миллий қонунчиликда белгилаб қўйилган.

Одам савдоси эса инсоннинг эркинлиги, тенглиги ва шахсий дахлсизлигига путур етказди, уни турли ҳўрлик ва камситиш-

ларга дучор этади. Одам савдоси деб аталмиш ушбу жинойий фаолият ортида мажбурий меҳнат, қуллик, мажбурий донорлик, ҳарбий тўқнашуларда фойдаланиш, фохишабозлик билан шуғулланишга мажбурлаш каби қабих қўлимшлар мўжассамдир.

Иккинчидан, одам савдоси жиноятчилар учун сердаромад манба бўлиб қолмоқда. Халқаро экспертларнинг баҳолашича, дунё бўйича одам савдосидан тушадиган йиллик даромад 7 млрд. АҚШ долларидан ошмоқда. Афсус билан таъкидлаш керакки, дунёда «одам савдоси» бозори ва унга талаб кундан-кунга ошиб бормоқда.

Шу бос жинойий тузилмалар ушбу ноқонуний фаолият билан шуғулланишнинг турли йўлларини қидириш, мақсадини амалга оширишни енгилаштириш учун халқаро жинойий уюшмалар ташкил этиш, давлат хизматчиларини ўзларига оғдириш пайдидан бўладилар. Бу эса, трансмилий уюшган жиноятчилик, коррупция каби хавфли иллатларнинг кенг ёйилишига сабаб бўлади.

Учинчидан, одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар ўз «қирдикорларини яшириш мақсадида бундай савдонинг қурбонига айланаётган шахсларни им-

кон қадар эътибордан четда тутишга ҳаракат қиладилар. Аввало, бунинг учун одамларни хорижга ноқонуний йўллار билан олиб чиқишга, паспорт ва шахсий ҳужжатларини қалбақлаштиришга уриндилар.

Бу ҳолат эса ноқонуний миграция салмоғининг ортишига, муайян давлат ҳудудига ноқонуний кириб келганлар сонининг ортиб, иқтисодий, демографик ва криминаген вазиятга салбий таъсир кўрсатишига, шунингдек, хорижга чиқиш ва муайян давлат ҳудудига бўлиш қондаларининг бузилишига олиб келади.

Тўртинчидан, одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар бундай савдонинг қурбонига айланаётганларни имкон қадар ўз назоратида ушлаб туриш ва кўпроқ фойда олиш мақсадида уларнинг шахсига оид ҳужжатларини (паспорт, миграция қарточкаси ва ҳ.к) ноқонуний эгалаб, хорижий давлатда эркин ҳаракатланиш, ҳимоясини таъминлаш бўлган давлатнинг тегишли давлатхоналарига мурожаат этишига тўқтинлик қиладилар.

Оқибатда бундай шахслар ўзини ҳуқуқий ҳимоялаш имкониятидан маҳрум этилади.

(Давоми 2-бетда)

## БУГУНГИ СОНДА:

• ДУНЁ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ БЕШИГИ



• ОЛТИ СОАТЛИК ИШ КУНИНИ ЖОРИЙ ЭТМОҚЧИ



• ГўЗАЛЛИК, НАФОСАТ ВА МАҲОРАТ НАМОЙИШИ



Ўзбекистон ҳаво йўли Ташкент халқаро аэропорти Хизматлар лицензияланган



(Давоми. Боши 1-бетда)

# САЙЛОВ ВА САЙЛОВЧИЛАРНИНГ СИЁСИЙ МАДАНИЯТИ



Анжуман иштирокчилари Ўзбекистоннинг давлат ва жамият қурилиши соҳасида демократик ислохотларни амалга ошириш, сайлов тизимининг қонунчилик асосларини такомиллаштириш тажрибаси ва ҳокимият вакиллик органларига сайлов ўтказиш амалиёти билан ҳар томонлама танишдилар. Таъкидландики, Ўзбекистонда ҳокимият вакиллик органларига сайловни янада демократлаштириш жараёнлари, энг юқсак демократик сайлов андозаларига таянган ҳолда, тизимли, бошқичма-бошқичлик асосида ва изчил амалга оширилмоқда.

Давра суҳбати қатнашчилари Ўзбекистонда сиёсий партиялар, фуқаролик жамияти бошқа институтлари, оммавий ахборот воситаларининг фуқаролар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг сайловда, мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнларида кенг иштирокини кучайтиришдаги роли тобора ортиб бораётганини алоҳида таъкидладилар. Партиялараро соғлом рақобат, ўз сайловчилари учун кураш кучаймоқда. Реал кўппартиявийликни ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан қабул қилинган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадбирда Африка, Лотин Америкаси, Узоқ ва Яқин Шарқ мамлакатлари билан алоқаларни ривожлантириш бўйича институт раҳбари (Италия) Антонио Лоче қайд этганидек, «давлат суверенитети эълон қилинганидан буён ўтган тарихан қисқа муддат ичида Ўзбекистонда барча умумэтироф этилган

сайловчиларнинг муайян қисми манфаатларини ҳимоя қилишга асосланган реал рақобат муҳити кузатишмоқда. Парламентда муҳолифат шаклланган, аҳоли сиёсий маданиятини оширишга қаратилган қўллаб-қўллаш амалга оширилмоқда. Сайлов тизими ижтимоий ривожланиш ва аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги даражасига мосдир.

Давра суҳбати иштирокчилари қайд этганидек, Ўзбекистоннинг сайлов тизими, ҳокимият вакиллик органларига сайлов амалиёти сайловчиларнинг сиёсий маданиятини оқсатириш, демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш жараёнларини чуқурлаштириш борасида муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда. Сайлов жараёнларида барча аҳолининг фаол иштирокини таъминлашдан, одамларнинг ижтимоий фаоллигини оширишдан ва ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришдан туриб, жамиятни демократик янгилаш ва мамлакатни модернизация қилиш ҳақида гапи-

риш мумкин эмас.

Словакиялик мустақил таҳлилчи Петер Юзанинг фикрича, «Ўзбекистонда аҳолининг сиёсий онги юксалаётгани яққол кўзга ташланмоқда. Одамларнинг сиёсий масъулияти ортмоқда, сиёсий билим даражаси ўсиб бормоқда. Мамлакат сиёсат майдонига қўллаб-қўллаш иқтидорли ёшлар чиқиб келмоқда. Бу жараён ўзбек халқининг тарихий, маданий, диний анъаналари ва қадриятларига ҳурмат асосида кечмоқда».

Миллий демократия институтининг (АҚШ) Россиядаги офиси раҳбари Майкл Мэрфи таъкидлаганидек, «сайловнинг муваффақияти ва муайян партиянинг ғалабаси, шу билан бирга, жамият ҳаётига таътиб этилаётган барча демократик янгилашлар самарадорлиги ёшларнинг сиёсий фаоллиги билан бевосита боғлиқдир. Жорий йилнинг Ўзбекистонда Ёшлар ийли деб эълон қилиниши навқирон авлоднинг сиёсий-ҳуқуқий тафаккурини юксалтириш, уларни сиёсий жараёнларга кенг жалб этиш имконини бера-

ди. Ёшлар катта салоҳиятга эга, бинобарин, Ўзбекистон ёшлари — аҳолининг сиёсий фаол бўлган асосий қисмини ташкил этади, шу маънода, сиёсий партиялар сайловолди кампанияси даврида ёшлар билан ишлашга фоят катта эътибор қаратиши лозим. Ёшлар сиёсати сиёсий партиялар сайловолди дастурларида етакчи ўринда туриши даркор».

Мунозаралар мобайнида давра суҳбати иштирокчилари сайлов — жамиятнинг қай даражада демократлашганини кўрсатувчи мезон эканини қайд этдилар. Шу билан бирга, демократиянинг универсал, барча мамлакатлар учун бир хил модели бўлмаганидек, сайлов тизимларининг ҳам бир хил моделлари мавжуд эмаслиги таъкидланди. Ўзбекистоннинг сайлов тизими, шу соҳадаги қонунчилик умумэтироф этилган халқаро принциплар ва қоидаларни, шунингдек, Ўзбекистон фуқароларининг ижтимоий онги, ҳуқуқий ва сиёсий маданияти даражасини, ўзбек халқининг анъаналарини, менталитетини ҳисобга

олган ҳолда, изчил ривожланмоқда.

Халқаро давра суҳбати арафасида тадбир иштирокчилари билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Марказий сайлов комиссияси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалиёт қонун ҳужжатлари мониторинги институтида учрашувлар бўлиб ўтди. Мулоқотлар чоғида хорижий экспертлар Ўзбекистондаги сиёсий партияларнинг фракциялари фаолияти билан танишдилар, сайловнинг демократик асосларда ўтишини таъминлаш, сайловга тайёргарлик ва уни ўтказишнинг ташкилий-оммавий жиҳатлари ҳамда ахборот-таҳлилий ва ҳуқуқий таъминоти механизми билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

**Ғулом МИРЗО, Ўза Муҳбири**  
**Суратларда: давра суҳбати қатнашчилари.**  
**Абдусом ҲАЙДАРОВ олган суратлар.**



## ЎЗАРБОЙЖОНДА ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ

«Новости» ахборот агентлигининг хабар беришича, Озарбойжонда чоршанба кuni ўтган президент сайловида дастлабки маълумотлар бўйича амалдаги давлат бошлиги Илҳом Алиев сайловчиларнинг 89,04 фоиз овозини олган.



Марказий сайлов комиссиясининг маълумотларига кўра, республикада овоз беришнинг боришини 45,7 мингта маҳаллий ва 1230 дан кўпроқ халқаро кузатуви кузатган. Сайловнинг узил-кесил расмий натижалари 14 кун ичида тасдиқланиши лозим. Айтиш керакки, президентликка даврогарлик қилган бошқа олти номзоддан биронтаси овозларнинг уч фоизини ҳам ололмаган.

## ОЛТИ СОАТЛИК ИШ КУНИНИ ЖОРИЙ ЭТМОҚЧИ



Венесуэла президенти Уго Чавес мамлакатда олти соатлик иш кунини ўрнатилганда, деб хабар беради Associated Press агентлиги. Меҳнат вазири Роберто Эрнандеснинг айтишича, жорий йил охиригача ҳукумат иш кунини саққиз соатдан олти соатга қисқартиришни кўзда тутган қонун лойиҳасини мамлакат

парламентига овозга қўйиш учун тақдим этади. Агентликнинг таъкидлашича, Чавеснинг тарафдорлари парламентда кўпчиликти ташкил этганилиги боис қонун лойиҳасининг тезда қабул қилиниши кутилмоқда. Венесуэлалик аксарият бизнесменлар ҳукуматнинг бундай янгиликка қўл уриши иш ўринларининг қисқаришига ёки компанияларнинг ёпилишига олиб келиши ҳақида оголантирмоқда. Эслайтиб ўтамиз: Чавеснинг муқаддам олтисоатлик иш кунини жорий этиш ҳақидаги шундай тақлифи 2007 йил декабрида парламент томонидан рад этилганди.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

### СУРХОҲДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2009 йилда қуйидаги иншоот қурилиши учун пудратчи ташкилотни танлаш бўйича очик танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

Жаркўрғон тумани, «Минор» ҚФЙдаги «Хизмат кўрсатиш» йўналишидаги 435 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи.

Ишновнинг қурилиш муддати — 2009 йил 1 август.

Ишновнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — Сурхоҳдарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига ажратилган Давлат бюджетли маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи: Сурхоҳдарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.  
Манзил: Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй.  
Тел/факс: (8-376) 222-49-71, 222-49-80, 222-49-85.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабдорлар куйидаги шартларга жавоб беришлари лозим: танлов савдолари предметининг 20 фоиз миқдорини айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларнинг беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, старли касбий ва техникавий маълумот, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий ласқат ва ваколатларига эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Уздавархитектурлиш» кўмпанисининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхоҳдарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: Термиз шаҳар, А.Темур кўчаси, 49-уй.  
Телефон/факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Тақлифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади. Оферталарни очик кун ва вақтигача савдо ташкилотчиси томонидан оферталар қабул қилинади. Тақлифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:  
Термиз шаҳри, А.Темур кўчаси, 69-уй.

Юртимизда айни куз палласи. Богларда етилган мева узумдан бол томади. Боғбон соҳибкор, пахтакор сабазоткорлар пешона тери эвазига етиштирган ҳосилларини йиғиштиришмоқда. Бозорларда эса тўкинлик. Яқинда Президентимиз Ислам Каримов амалга оширилаган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, аграр соҳадаги янгилашлар, бунёдкорлик ишлари билан танишиш учун Хоразм вилоятига ташириб буюрдилар. Юртобосиди вилоят деҳқонларининг фидокорона меҳнати юксак баҳо бердилар. Зеро, бу ерда деҳқончилик сир-синоатини чуқур билдирган, тирпоққа бир қарашдаёқ ҳосилнинг чўғини аниқлаб берадиган миришкорлар талайгина. Бинобарин, бевосита Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда кенг қулоч ёйган фермерлик ҳаракати истиклолнинг дастлабки йилларида биринчилардан бўлиб ушбу вилоятда бошланган эди. Утган вақт давомида эришилган ютуқлар шуни кўрсатдики, фермерлик ҳаракати яхши самара бермоқда.

Деҳқон ва фермер хўжалиқларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда эса акциядорлик тижорат «Пахта банк»нинг Хоразм вилоят бошқармаси кўпгина ибратли ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, пахта йиғим-теримида, жомашчи транспортда ташиш ва тайёрлашда банд бўлган одамларнинг меҳнатига ўз вақтида ҳақ тўлашни таъминлаш мақсадида вилоят бошқармаси ва унинг филиалларида тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда.

«Пахта банк»нинг Хоразм вилоятидаги миқозларининг каттагина қисми бевосита қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлиб, улар сони 10795 тани ташкил этмоқда. Шу боис қишлоқ хўжалик корхоналарини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида фермер хўжалиқларига 2008 йил пахта ва ғалла ҳосилини молиялаштириш борасида катта ёрдам берилди. 6880 та фермер хўжалиқларига 30 млрд. 115 млн. сўм миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилди. Фермер хўжалиқларининг моддий-техника базасини кенгайтириш, уларни замонавий қишлоқ хўжалик техникалари билан таъминлаш мақсадида Хива филиалидаги «Султон

Хўжа», «Ражаббой Туркман», «Сан-жарбек» фермер хўжалиқларига, Қоровул филиалидаги «Дўстлик» фермер хўжалигига узоқ муддатли кредитлар ажратилиб, эвазига «CLAS» Доминатор комбайнлари олиб берилди.

Вилоят бошқармаси томонидан банк хизматини бевосита қишлоқ жойларига яқинлаштириш борасида муайян ишлар бажарилди. Ҳозирги пайтда 74 та минибанк қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатмоқда. Минибанкларда миқозлар базасини кенгайтириш, иқтисодиётнинг турли соҳаларига кирувчи хўжалик субъектларини ҳамда янгидан ташкил эти-

## ИШОНЧЛИ ҲАМКОР — БАРҚАРОРЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

ган фермер хўжалиқларини банк хизматида жалб этиб, уларга сифатли банк хизматлари кўрсатилишини кенгайтиришга ҳаракат қилинмоқда.

Жорий йил 1 август ҳолатига минибанкларда жами 8393 та миқоз ўз ҳисоб рақамларини олган, шундан 7948 таси фермер хўжалиқларидир. Минибанкларда миқозлар базасини кўпайтириш натижасида уларнинг молиявий фаолияти кундан кунга яхшиланиб бормоқда. Бунда барча компютерларга банк операцияларини амалга ошириш ва коммунал тўловларининг барча турларини қабул қилиш бўйича махсус дастур ўрнатилганлиги ҳам муҳим омили бўлмоқда. Айни пайтда банк бошқармасининг умумий миқозлари сони 15420 нафардан ошиб кетди.

Вилоят бошқармаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга ҳам катта ҳисса қўймоқда. Бунинг натижасида 308 та янги ишчи ўринлари ташкил қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорига асосан ўтказилган «Агро-Минитех» кўргазмасида кичик

ишлаб чиқариш ускуналари ўрнатиш бўйича шартнома имзоланган миқозларнинг лойиҳаларини амалга ошириш белгиланган графикка асосан ташкил қилиниб, 2008 йил 7 ой мобайнида 3 та миқознинг 62 млн. сўмлик лойиҳаси тўлиқ молиялаштирилди. Ушбу маблағлар асосан нон ишлаб чиқариш цехи, пластик рама, соғич ва яна ичимликлар ишлаб чиқариш линияларини йўлга қўйиш учун йўналтирилди.

Масалан, бундан бир неча йил аввал «Хонка дон маҳсулотлари» акция-

банкдан 30 миллион сўм кредит олганда, Ҳозир элга манзур маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда.

Бошқарма томонидан аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, уларни замонавий уй жиҳозлари, мебель ва маиший техника билан таъминлаш мақсадида жорий йил бошидан 212 фуқарога 567,9 млн. сўмлик узоқ муддатли банк кредитлари ажратилди. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қў-

шимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони талабларини бажариш мақсадида 118 та ёш оилга 347 млн. сўм миқдорда истеъмол кредитлари ажратилди. Масалан, Урганч шаҳрида яшовчи фуқаро Турғун Собировга уй жиҳозлари ва маиший техника сотиб олиш учун истеъмол кредити ажратилиб, ушбу кредит ҳисобига маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилган мебель, совутич, кондиционер ва телевизор олиб берилди. Бугунги кунда кредит ҳисобига олинган маҳсулотлар ўзининг замонавий кўриниши билан ёш оиланинг хонадонига янада фойз киритмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорини бажариш юзасидан ҳам бирмунча ишлар қилинди. Шу йил бошидан буён кам таъминланган оилалардан 321 нафарига қорамол сотиб олиш учун 370 миллион сўм кредит ажратилди. Шундан 304 миллион сўми имтиёзли кредитдир. Ушбу ажратилган кредитлар ҳисобига 728 та қорамол сотиб олинганлиги қувончлидир.

Бошқармада факторинг ва лизинг

## Иқтисодиёт ва ислохот

каби банк хизматларининг янги турлари ўзлаштирилмоқда. Акредитивлар бўйича хизматлар, пластик карточкалар ёрдамида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш, истеъмол кредитлари ажратилиш, омонатларнинг одамлар эътиборини тортдириган янги турларини жорий этиш ва бошқа хизматлар яхши йўлга қўйилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Пластик карточка асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан тўлов пластик карталаридан фойдаланишни кенгайтириш ҳисобига нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажминини ўстириш, банкномалар ва терминаллар сонини кўпайтириш борасида «Пахта банк»нинг туман филиалларида ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, филиаллар касаларига ва нақд пул билан савдо қилувчи миқозларга жами 225 та терминаллар ўрнатилди.

«Пахта банк»нинг туман филиаллари томонидан жами 62535 та пластик карталар тарқатилган.

Давлатимиз томонидан ёшларга ва ёш оилаларга катта эътибор қаратилмоқда. Шу муносабат билан «Пахта банк» томонидан ёш оилалар ва талабаларга мўлжалланган имтиёзли пластик карточкалар ҳам жорий этилди.

2008 йил 1 август ҳолатига аҳолини коммунал хизматлардан бўлган қарзини қаматириш борасида ҳам банк бўлимлари томонидан муайян ишлар амалга оширилди. Айниқса, қарзларни истеъмолчиларнинг ариза-сига биноан иш ҳақидан ундириш, пластик карта ва омонатлардаги маблағлари ҳисобига ундириш яхши йўлга қўйилди ва бу тадбир ўз самарасини бераётди.

Банк филиалларида нақд пул тушумини яхшилаш ва аҳолининг узоғини яқин ҳамда оғирини енгил қилиш мақсадида одамлар гавжум ҳудудларда PAYNETлар ташкил қилинди.

Шоҳайдар МИРҲАБИВ, Мирбахтиёр МИРҲАБИВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари.

Style.Uz-2008

Мамлакатимизда 12-17 октябрь кунлари бўлиб ўтган «Style.Uz-2008» Дизайн ва мода ҳафталиги либослар яратиш соҳасидаги раглар фусункорлиги, жозибдор ечимлар хилма-хиллиги, ўзбекистонлик ижодкор ёшларнинг улкан салоҳияти намойишига айланди. Бу дунёнинг турли мамлакатларидан келган ҳафталик иштирокчилари ҳамда меҳмонларида ўлмас таассурот қолдирди. Тадбир «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда Тошкент либослар уйи томонидан ташкил этилди.

Мамлакатимизда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган Дизайн ва мода ҳафталиги жаҳон жамоатчилиги ва ушбу соҳа мутахассислари орасида катта қизиқиш уйғотмоқда. «Style.Uz-2008» ҳафталигида иштирок этиш учун республикамизга дунёнинг турли мамлакатларидан таниқли моделерлар, машҳур заргарлик уюмлари эгалари, мода соҳасидаги халқаро телекомпаниялар ва нашрлар вакиллари, машҳур эстрада юлдузлари ташриф буюрди. Ҳафталикнинг мода намоишлари, кўргазма ва бошқа тадбирлари кўплай хорижий телеканаллар орқали намоиш қилинди, ушбу тадбирларга бағишланган материаллар эса етакчи мода журналларида чоп этилди.

Дарҳақиқат, «Style.Uz-2008» — маданий ҳаётимизда ўзига хос воқеа бўлиб, унинг доирасида ўзбек дизайни санъатининг барча қирралари, Ўзбекистонда маданият ҳамда санъатни ривожлантириш борасида кузатилаётган янги ёнғинлар ҳам ўзининг яққол ифодасини топди.

Бу галги ҳафталик доирасида Sisi Wasabi (Германия), Wolford (Австрия), «DSQUARED2» (Италия), Revillon ва «Guy Laroche» (Франция) мода уйлари, россиялик дизайнерлар Елена Ахмадуллина ва Юлия Далакян, Норико Сурихаба (Япония), Сунит Варма (Хиндустон), Пекин либослар технологияси институти ва бошқалар иштирокида қатор тадбирлар бўлиб ўтди.

Ўқинда Тошкентда Ёшлар иқдор саройининг очилгани ҳам юртимизда навиқрон авлод вакиллари истеъдодини ривожлантириш борасида кўрсатилаётган гамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди. Айнан шу ерда «Style.Uz-2008» ҳафталиги давомида кўплай модлар намоишлари, дизайн ва мода кўргазмалари ўтказилди. Ушбу кўргазмаларда энг яхши либослар ва заргарлик буюмлари дўконлари вакиллари, гул салонлари, ўзимизда етиштирилаётган пахтадан замонавий трикотаж буюмларини ишлаб чиқараётган тўқимачилик компаниялари ўз маҳсулотларини намоиш этди. Ушбу соҳадаги анъаналарни асраб-авайлаб келаётган, уларни ўз маҳорати билан бойитган тикувчи ва хунармандлар ҳам шарқона либосларнинг ранг-баранглиги ҳамда гўзаллигини намоиш этди.

Ёшлар иқдор саройида таниқли дизайнерлар, фотосуратчилар ва стилистларнинг маҳорат дарслари ташкил этилди. Жумладан, французлик машҳур фотосуратчи Андре Рау ўз маҳорати сирлари билан ўртоқлашди. Бу унинг Ўзбекистонга иккинчи марта ба келиши. Андре Рау ўз таассуротлари асосида мамлакатимизга бағишланган каталог тайёрлашни режалаштирмоқда.

Айниқса, «Underground» ёш ўзбек моделерларнинг коллекциялари намоиши санъат ихлосмандларида кат-

ГўЗАЛЛИК, НАФОСАТ ВА МАҲОРАТ НАМОЙИШИ



та қизиқиш уйғотди. Унда Зулфия Султонбоева, Светлана Ахатова, Руфия Ахмадуллина, Камола Икромова каби 17 нафар ёш моделер ўз коллекциясини намоиш этди. Уларнинг аксарияти республикамиздаги олий ўқув юрлари талабаларидир. Тошшабинлар ва синчков мутахассислар уларнинг иходий ишларини, моданинг барча замонавий йўналишларини яхши билишини, янги моделларни яратишда миллий матолар, анъанавий би-чиш техникаси ҳамда нақшлардан муваффақиятли фойдаланиш қобилиятларини юқори баҳолади.

— Бу, ҳақиқатдан ҳам, ажайиб тадбир бўлди, — дейди Латвиянинг «L'Officiel» журнали бош муҳаррири Елена Власова. — Ўзбекистонлик ёш дизайнерларнинг катта салоҳиятига эга экани уларнинг ушбу коллекциялари-дан яққол кўриниб турибди.

Мода соҳасидаги япониялик машҳур журналист Ода Акиранинг фикрича, «Underground» — Токиода ўтказиладиган шундай тадбирлардан асло қолишмайди ва юқоқ савияда ташкил этилган. Кўргазманинг миллий

бўёқларга бойлиги ва унда хорижий дизайнерларнинг ўзбекистонлик ёш ҳамкасблари иходи билан танишиш имконига эга бўлгани маданиятларнинг ўзаро ихобиб таъсирини кучайтиришга кўмаклашди.

Ҳафталик дастуридан, шунингдек, мамлакатимиз ва чет эллик моделерлар иштирокидаги бошқа намоишлар, ёш рассомларнинг графика ишлари ва фотосуратлари танлови, «Бир асрдан сўнг, илк бор» нодир буюмлар кўргазмаси, Ўзбекистонлик рассом Фофур Қодировнинг «Само тул-

Ҳафталик меҳмони — япониялик машҳур моделер Такада Кензо Ўзбекистонда ўтган ушбу тадбир — Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш, Шарқ ва Ғарб маданиятларини туташтиришга хизмат қилаётгани алоҳида таъкидлади.

Дизайн ва мода ҳафталигининг барча иштирокчилари Самарқандга таъриф буюрди. Кўҳна ва ҳамшиша навиқрон Самарқанднинг ўзбек халқининг бой тарихий-маданий меросидан далолат берувчи ўзига хос қадимий меъморчилик ансамбли ва ёдгорликлари, замонавий транспорт инфратузилма-

лар коллекцияси хорижлик моделер ва дизайнерларнинг эътиборини тортди. Мухими, ушбу коллекцияларнинг аксарияти ўзимизнинг сифатли ипақ ва пахта толаридан тўқилган матолардан яратилган.

— Ўтган йили «Style.Uz-2007» да қатнашиб, «Шарқ тумори» номинациясида голибликни қўлга киритган эдик, — дейди дизайнер Севара Зуннунова. — Энг муҳими, ушбу тадбир туфайли хорижлик моделер ва дизайнерлар билан ўзаро фикр алмашиб, янги ғоя ва лойиҳалар билан танишиш имконига эга бўлган эдик. Бу йил эса Сурхон либослари коллекциясини яна ҳам бойитган ҳолда намоиш этдик.

— Бизнинг «Шарқона ёрқинлик» деб номланган коллекциямизни қуроқ техникасида ишланган либослар ташкил этади, — дейди Лобар Полвонова. — Оддий матолардан беэза берилган буюмлар ҳеч қимми бефарқ қолдирмайди.

Тадбирда намоиш этилган Тошкент тўқимачилик ва энгил сановат институти ўқитувчи ҳамда талабалари томонидан тайёрланган болалар либослари коллекцияси ҳам катта қизиқиш уйғотди.

Фестиваль ниҳоясида «Style.Uz-2008» Дизайн ва мода ҳафталиги якунлари сарҳисоб қилинди, номинациялар бўйича голиблар аниқланди.

Миллий либослар фестивалида «Фольклор» номинациясида Мадина Қосимбоевнинг коллекцияси, «Hand made» номинациясида Елена Мильбергер ва Наталья Гармидер, «Замонадан ташқари» номинациясида Лобар Полвонова, «Миллий матолардан моҳирона фойдаланганлиги учун» номинациясида Наргиза Отажонова, «Замонавий либос» номинациясида Азиза Бобоқонова ва Елена Худойбергенова, энг яхши болалар коллекцияси бўйича Дилдора Абдуллаева голиб деб топилди.

Шунингдек, «Underground» ёш дизайнерлар танловида миллий матолардан энг яхши фойдалангани учун Зулфия Султонбоева, Надежда Ким («Шаҳар услуби» номинациясида) ва энг яхши дизайнерлик иши учун Элина Хайруллина галаба қозонди. Графика ишлари ва фотосуратлар танловида Камола Акрамованинг эскизлари ва Светлана Канакининг фотосуратлари энг яхши деб эътироф этилди. Дизайн ва мода кўргазмаси ишлари якуни бўйича пойтахтимиздаги «Vassarat» дўкони стенди, Италиянинг «DSQUARED2» мода уйи Ўзбекистонда энг яхши мода уйи деб эълон қилинди.

Тадбир Дизайн ва мода ҳафталиги меҳмони, таниқли инглиз хонандаси Род Спарт концерти билан якунланди.

Мамлакатимизда ўтган «Style.Uz-2008» Дизайн ва мода ҳафталиги ўзбек мода санъати, серкюри маданиятимизнинг улкан ҳамда юқоқли бораётган салоҳиятини бутун дунёга яна бир бор намоён этди. Зеро, ўзбек маданияти илдизлари узоқ ўтмишга бориб тақалади ва халқимиз юқоқ маънавиятининг сарчашмаларидан баҳра олади. Аксарият хорижлик экспертларнинг таъкидлашича, ушбу тадбир мода доирасидан чиқиб, том маънодаги санъат ҳафталигига айланди, халқаро маданий лойиҳалар соҳасини янги ҳамда юқори даражага қўтаришга хизмат қилаётган воқеа бўлди.

Анна ИВАНОВА, Голиб ҲАСАНОВ, ЎЗА мухбирлари

Футбол

Эртага пойтахтимизда Олий футбол маҳорати мактаби яшн майдонларида журналистлар ўртасида минн футбол бўйича ўзбек футбол федерацияси Олимжон Акбаров хотирасига бағишланган «Спорт» ва «Ўзбекистон футбол» газеталари соврини учун аънавий республика турнири бошланади

Журналистлар яна майдонда

Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, журналистлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиб келаётган ушбу мусобақа баҳсларига кеча қўрға ташланди. Унга қўра, йигирмата жамоа бештадан тўрт гуруҳга бўлиниб, баҳсларни бошлади. Ҳар бир гуруҳдан иккитадан жамоа чорак финалга йўланма олади.

«Ўзбекистон овози» ҳамда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газеталари тахририятларининг бирлашган жамоаси мусобақанинг «В гуруҳидан жой олди. Ҳамкасбларимиз кейинги босқичга чиқиш учун «Мазрифат», «Туркистон», «ХХ аср» газеталари ҳамда «Тошкент» телерадиоканали иходий ходимлари жамоалари билан бир гуруҳда баҳс юритишди. Жамоамиз илк учрашувни эртага «Тошкент» телерадиоканали иходкорларига қарши ўтказадилар.

Қолган гуруҳлар эса қуйидагича: «А» гуруҳи. Миллий телерадиокорпорация, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети, «Жаҳон» ахборот агентлиги, «Чемпион» газетаси, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси. «С» гуруҳи. «Ўзбекистон футбол»и, «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги, «Жамият», «Халқ сўзи», «Ватанпарвар» газеталари. «Д» гуруҳи. «Машъал-Спорт» радиоси, «Янги аср авлоди» нашриёти, «Хонадон», «Хўқўқ» газеталари ҳамда «Спорт» телерадиоканали.

Эркин ХОЛБОБО

Шифокор маслаҳати

БЕЛИМ ОҒРИМАСИН ДЕСАНГИЗ

Маълумки, кузги салқин тушиши айрим сурункали касалликларни кўзгаши, шамоллаш билан боғлиқ хасталикларни юзага келтириши мумкин. Айниқса, бод ва беланги дардида чалинганлар бундай кезларда қийин аҳволга тушадилар. Ҳўш, хасталикнинг олддини олиш ёки уни бартараф этиш учун нималарга эътибор қилиш керак?

Халқимиз орасида беланги деб юритиладиган хасталик бор. Бу орқа миёнининг асаб шохобчалари ва улар билан боғлиқ кечадиган асаб тоалари касаллигидир. Унга аксарият ҳолларда умуртқа пононаси касаллиги — остеохондроз сабаб бўлади. Оғриқ эса урилиш зарбини юмшатувчи умуртқалар орасидаги «пластинка» қайишқоқлигини йўқотиб, мўртлашиши оқибатида туз йиғилиб, суюқ ўсиқчалари пайдо бўлади ва умуртқа орасидаги асаб тоаларининг қисилиши натижасида юзага келади. Бу дардга турли жароҳат, совуқ қотиш, захда қолиш, захарланиш, юқумли касалликлар асорати деб қаралади.

Унинг энг кўп тарқалган қўри-нишлардан бири — бел-думгаза белангиси. Оғриқ кўзиб қолганда бемор қаттиқ безовтала-нади, қумирлай олмай қолади. Албатта беланги-радикулит дарди қийнаганда тегиши му-тахассис шифокор-невропатологга учрашиш керак. Лекин қачон салқинлик олдини олиш, оғриқ-ни қолдиришда халқ табиобати амалларидан фойдаланиш наф келтириши табиийдир. Биз куйида ана шундай шифобахш табиий тавсияларни эътиборин-гизга ҳавола этамиз.

- Сурункали беланги дарди-га мўбало бўлган беморлар айиқ, бўри терисидан тайёрлан-ган белбоғлар ёки туя жунидан тўқилган матони ўраб юрса, азобдан ҳоли бўлади.
• Оғриқ тугган жойга қалин қил-дан жун матони қўйиб, устидан секинлик билан қиздирилган да-звол босилади. Шунда оғриқ азаядиган фориғ бўлилади.
• Ош тузидан 200 грамм миқ-доридан олиб, унга 100 грамм хантал (горчица) ва шун-ча миқдорда керосин қўшиб об-дон аралаштирилади. Аралаш-ма қаймоқ қўрилишига келгач, уни кекурун оғриқли жойга об-дон суртилади.
• Куюрқ зигир уруғлари (се-мена лына) кичик бир матоли халтачага солиб қиздирилади-да, кечаси оғриқ тугган белга бозиллатма (компресс) сифа-тида фойдаланади.
• Отнинг болдир суюқлари-дан олинган илги белга уқалаб суртилади. Тахминан 4 соатлар-дан сўнг оғриқ қолади.
• Ошхона сиркасида йидирил-ган тухум аралашмаси билан ҳам дардга даво топиш мумкин. Бу-нинг учун идишга (шишали) си-рка эссенцияси солиниб, унга ту-хум бутунлигича туширилади, шун-да сирка тухумни бутунлай

қўллаб туриши лозим бўлади. Мазкур ҳолатда 3 кеча-кундуз сақланади. Тухум пўчоғи юм-шагач, устидаги пардаси олиб ташланади, сўнг яхшилаб эзи-лади ва 1-2 соқ қошиқ қунга-боқар мойи солиниб, аралаш-тирилади. Тайёрланган дори-вор салқин жойда сақланади. Оғриган жойларга кечкурун сур-тилиб, жунли мато ёки рўмол билан боғлаб, устига ҳаро-ратпўш (грелка) қўйилади.
• Обзан (ванна) амали бил-лан даволаш учун ҳарорати тахминан 37° даражали сувга 50-70 грамм кирғирдан ўтка-зилган ер қаламир (хрен) ил-дизини доқага ўраб солинади ва уйку олдидан обзан қабул қилинади. Муолажа 12-14 марта такрорланади.
• Хантал бўтқаси солин-ган ванна ҳам фойдали. Фа-қат обзан қабул қилингани-дан кейин 1-2 дақиқа мобай-нида илор мўрча (душ)да юви-ниб, сўнг ўралиб олиш керак.
• Одатда беланги, шунинг-дек, бод хасталиги билан оғриган беморлар совуқ ва намликдан ҳўтиёт бўлишлари керак. Фавқулодда елвисак, ёмиғир, қор-қирова қолиш ҳам дардчи кўзгайди. Албатта, бундай пайларда муҳофа-заниш чораларига эътибор берилиши лозим.

Маннон НАБИЕВ, доришунос олим. Оғриқ ИСҚОҚОВ, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

ШАҲРИСАБЗ ТУМАН ҲОКИМЛИГИ ОБОДОНЛАШТИРИШ БЎЛИМИ

2008 йИЛДА ЎРТА ТАЪМИРЛАНИШИ МЎЛЖАЛЛАНГАН ҚУЙИДАГИ ИНШООТЛАРГА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Лот №1:

1. Шаҳрисабз тумани 4р81 йўлида Ёзмон қиш-логга (1-0 км.) кириш йўлини ўрта таъмирлаш. Бошланғич баҳоси (ҚҚС билан) — 30.337.003 сўм. Қурилишни тугаллаш муддати — 30 кун.
2. Шаҳрисабз тумани 4р81 йўлидан Мирқў қўрғонига кириш йўлини ўрта таъмирлаш. Бошланғич баҳоси (ҚҚС билан) — 31.007.652 сўм. Қурилишни тугаллаш муддати — 30 кун.
3. Шаҳрисабз тумани 4р82 йўлидан Халач қиш-логга (0-1 км.) кириш йўлини ўрта таъмирлаш. Бошланғич баҳоси (ҚҚС билан) — 30.956.424 сўм. Қурилишни тугаллаш муддати — 30 кун.
4. Шаҳрисабз тумани Чоштета қишлоқ йўлининг (0,7 км.) ўрта таъмирлаш. Бошланғич баҳоси (ҚҚС билан) — 12.242.340 сўм. Қурилишни тугаллаш муддати — 30 кун.

Буюртмачи — Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туман ҳокимлиги Ободонлаштириш бўлими. Манзили — Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз тумани. Қурилиш ишларини молиялаштириш — Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатна-шиш учун талабгорлар қуйи-даги шартларга жавоб бе-ришлари лозим:
• етарли касбий ва техни-кавий малакага;
• иншоот қийматининг ка-мида 20 фоиз миқдориде ай-ланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки ушбу маблағларни тақдим қилишга банк кафолат-номаси мажбуудлиги;
• молиявий имкониятлар ва етарли ишчи кучи ресурслари-га;
• шартнома (контракт) ту-зишга лаёқатли;
• юридик ҳуқуққа эга, шу-нингдек, ўхшаш иншоотлари қуриш бўйича тахрибаси бор-лиги ва ишончли бўлишлари шарт;
• Савдода иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси: Қарши шаҳри, Хонобод шоссеси, 46-а уйда жойлашган «Давархитект-қурилиш» кўмитасининг Қаш-қадарё вилоят капитал қури-лишда танлов савдолари ва нархларни шақллантириш ҳуду-дий консалтинг марказига му-рожаат қилиш мумкин.
Тел/факс: (8-375) 224-05-24.

Оферталар савдо ташкилот-чиси томонидан юқориде кўрса-тилган манзилда қабул қили-нади.
Бир тўплам тендер ҳужжат-ларининг нархи — 70000 сўм.
Тендер ҳужжатларини эълон чоп этилгандан сўнг 25 кунга-ча сотиб олиш мумкин.
Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишининг охириги муддати — оферталар очилиш куну ва соати.
Тендер савдолари матбуот-да эълон чоп этилгандан бош-лаб 30 кундан кейин «Буюрт-мачи» биносида ўтказилади.

Table with columns for BOSH MUHARRIR, Safar OSTONOV, TAHRIR HAY'ATI, MUASSIS, BO'LIMLAR, and various regional offices like Andijonda, Buxoroda, Gulistonda, etc.